# ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ УЛУҒВОР ВАЗИФАЛАРИ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

## СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1960 йилнинг биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида

*СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика Бошқармасининг Ахбороти*

(Боши учинчи бетда)

### IV.

### КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

**Давлат плани бўйича ажратилган маблағлар ҳисобига сарфланган капитал маблағнинг ҳажми биринчи ярим йилда 113 миллиард сўмни ташкил қилган ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 процент кўпайди.** Капитал маблағлар ҳажми бўйича ярим йиллик план 93 процент, қурилиш-монтаж ишлари бўйича эса 98 процент бажарилди. Бунда хўжалик усулида олиб борилаётган қурилиш ҳисобига қурилиш-монтаж ишлари плани бажарилмай қолди.

**Пудратчи ташкилотлар планни 100,4 процент бажардилар ва ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан иш ҳажмини 15 процент оширдилар.**

Ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан капитал маблағ кимё саноатида 41 процент, металлургия саноатида 18 процент, нефть ва газ саноатида 8 процент, электростанциялар қурилишида 5 процент, шу жумладан, теплоэлектростанциялар қурилишида 11 процент, машинасозликда 29 процент, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясида 8 процент, ўрмон, қоғоз ва ёғочсозлик саноатида 10 процент, енгил ва озиқ-овқат саноатида 21 процент, қишлоқ хўжалигида 20 процент, темир йўл транспортида 11 процент кўпайди.

Давлат плани бўйича, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар бўйича ажратилган маблағлар ҳисобига капитал қурилишнинг қанчалик ўсганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

| | 1960 йил I ярмининг 1959 йил I ярмига нисбатан проценти | | 1960 йил I ярмининг 1959 йил I ярмига нисбатан проценти |
|---|---|---|---|
| РСФСР | 112 | Молдавия ССР | 124 |
| Украина ССР | 111 | Латвия ССР | 103 |
| Белоруссия ССР | 109 | Қирғизистон ССР | 113 |
| Ўзбекистон ССР | 126 | Тожикистон ССР | 126 |
| Қозоғистон ССР | 127 | Арманистон ССР | 112 |
| Грузия ССР | 112 | Туркманистон ССР | 136 |
| Озарбайжон ССР | 111 | Эстония ССР | 117 |
| Литва ССР | 104 | | |

Саноатнинг ҳамма соҳаларида ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, бироқ бир қанча объектларни ишга тушириш ярим йиллик плани бажарилмай қолди.

**Қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш топшириғи ошириб бажарилди. Ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан ишлар таннархи 1,4 процент камайди.**

Шу билан бир вақтда қурилишда ҳали жиддий камчиликлар бор. Моддий ва пул маблағлари ҳали ҳам энг муҳим ва ишга туширилиши керак бўлган объектларга етарли даражада тўпланмаётир ҳамда капитал маблағларни кўпгина қурилиш ва объектларга сочиб юбориш ҳоллари учрамоқда. Қурилиш машиналари ва механизмларидан ҳали ҳам тўла қувват билан фойдаланилмаётир. Лойиҳалаш ташкилотларида кўпгина тугалланмаган лойиҳа ишлари бор. Бу эса қурилишларни лойиҳа ва сметалар билан ўз вақтида таъминлашга халақит бермоқда.

### V.

### ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР СОНИ ҲАМДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ УСИШИ

**СССР халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг сони ўтган йил биринчи ярим йилнинг охиридаги миқдорга нисбатан 3 миллион 900 минг киши ортди.**

Шу билан бирга саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарида ишчилар, шунингдек инженер-техник ходимлар ва бошқа мутахассислар сони 1 миллион 350 минг киши кўпайди. Колхозчилар умумий йиғилишларининг қарорига биноан колхозларнинг бир қисми совхозларга айлантирилганлиги муносабати билан совхозларда ва ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналарида банд бўлган ходимлар сони 1 миллион 700 минг кишига кўпайди. Мактаблар, ўқув юртлари, даволаш ва илмий-текшириш муассасалари ходимларининг сони 550 минг киши, савдо ва уй-жой-коммунал хўжалик ходимларининг сони 300 минг киши миқдорида кўпайди.

Ўтган ярим йилда касаба-техника таълими билим юртлари ва мактабларини қарийб 300 минг ёш малакали ишчи тамомлади ва ишга юборилди. Якка-бригада шогирдлиги тартибида ҳунар ўрганиш ва курсларда ўқиш йўли билан бевосита корхоналарда ва ташкилотларда 4,5 миллион ишчи ва хизматчи ўз малакасини оширди ва янги ҳунар ўрганди.

**Саноатда ва қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш плани ортиғи билан бажарилди. Ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан меҳнат унумдорлиги (бир қанча тармоқларда иш куни қисқартирилган ҳолда) саноатда 6,4 процент ошди.** Шу билан бирга давлат саноатининг айрим тармоқларида меҳнат унумдорлиги қуйидагича ортди: қора металлургияда 6 процент, рангли металлургияда 8 процент, кўмир саноатида 6 процент, нефть чиқариш саноатида 12 процент, кимё ва резина саноатида 3 процент, машинасозлик ва металл ишлаб чиқаришда 8 процент, енгил саноатда 6 процент, озиқ-овқат саноатида 4 процент кўпайди. **Қурилишда меҳнат унумдорлиги 9 процент ошди.**

Иттифоқчи республикаларда саноат ва қурилишдаги меҳнат унумдорлиги қанчалик ошганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

| | 1960 йил I ярмининг 1959 йил I ярмидагига нисбатан проценти | | 1960 йил I ярмининг 1959 йил I ярмидагига нисбатан проценти |
|---|---|---|---|
| РСФСР | 106,4 | Молдавия ССР | 100 |
| Украина ССР | 105,2 | Латвия ССР | 111 |
| Белоруссия ССР | 109 | Қирғизистон ССР | 106 |
| Ўзбекистон ССР | 111 | Тожикистон ССР | 109 |
| Қозоғистон ССР | 108 | Арманистон ССР | 107 |
| Грузия ССР | 105 | Туркманистон ССР | 105 |
| Озарбайжон ССР | 107 | Эстония ССР | 108 |
| Литва ССР | 108 | | |

Ҳамма иттифоқчи республикалар саноатида меҳнат унумдорлигини ошириш плани тўла ва ошириб бажарилди.

### VI.

### ХАЛҚ ТУРМУШИ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИНГ ЮКСАЛИШИ

Бу йил ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган етти ва олти соатлик иш кунига ўтказиш юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездида қабул қилинган қарорларни амалга ошириш давом эттирилди. **Биринчи ярим йилнинг охиригача ҳаммаси бўлиб 20 миллионга яқин ишчи ва хизматчи қисқартирилган иш кунига ўтказилди.** СССР Олий Советининг бешинчи сессияси (1960 йил май) қабул қилган қонунга мувофиқ 1960 йилда ҳамма ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган етти ва олти соатлик иш кунига ўтказиш тугалланиши керак. Ишчи ва хизматчилар уларнинг иш ҳақи камайтирилмаган ҳолда қисқартирилган иш кунига ўтказиладилар, иш ҳақини тартибга солиш тадбирлари амалга оширилаётган тармоқларда эса, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи оширилади, кам ҳақ оладиган ходимларнинг иш ҳақи эса анча оширилади.

СССР Олий Советининг бешинчи сессиясида ишчи ва хизматчилар иш ҳақидан солиқ олишни бекор қилиш ҳақида Қонун қабул қилинди. Бу жуда муҳим социал тадбир 1960 йил 1 октябрдан бошлаб амалга оширила бошлайди.

Аҳоли ўтган йиллардаги сингари давлат ҳисобидан нафақалар ҳамда ишчи ва хизматчиларни социал страхование қилиш бўйича бериладиган тўловлар, социал таъминот бўйича пенсиялар, ёлғиз ва кўп болали оналарга тўланадиган нафақалар, ўқувчиларга тўланадиган стипендиялар, текин медицина ёрдами, санаторийларга ва дам олиш уйларига текин ва қулай нархлар билан йўлланмалар олиб турди, текин ўқитиш ва малакани ошириш имкониятларини ҳамда бошқа бир қанча тўловлар ва имтиёзларни олиб турди.

Биринчи ярим йил мобайнида 29 миллиондан ортиқ киши навбатдаги отпускасидан фойдаланди. Бу отпускалар ҳар йили барча ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи сақланган ҳолда бериб турилади.

**Аҳоли мазкур ҳамма тўловлар ва имтиёзларни 122 миллиард сўмдан кўпроқ миқдорда олди. Бу эса, 1959 йилнинг биринчи ярим йилидагига қараганда 6 миллиард сўм кўпдир.**

Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг умумий ҳажми ярим йилда 364,4 миллиард сўмни ташкил қилди (матлубот кооперациясининг озиқ-овқат товарлари билан комиссия асосида савдо қилиши ҳисобга олинмаган ҳолда, бу савдо обороти 3,7 миллиард сўмни ташкил қилди).

**Биринчи ярим йилда чакана товар обороти плани 2,6 миллиард сўмлик миқдорда ошириб бажарилди. Ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан чакана товар обороти таққослама нархларда 9 процент кўпайди.**

Қишлоқ жойларида савдони амалга оширадиган матлубот кооперациясининг чакана товар обороти ҳам 9 процент ошди.

Давлат ва кооператив савдоси орқали айрим молларнинг сотилиши қуйидаги тарзда ўзгарди:

| | 1960 йил I ярмида молларнинг 1959 йил I ярмидагига нисбатан сотилиш проценти |
|---|---|
| Гўшт, колбасалар ва бошқа гўшт маҳсулотлари | 120 |
| Балиқ, селёдка ва бошқа балиқ маҳсулотлари | 104 |
| Мол ёғи | 108 |
| Ўсимлик мойи | 101 |
| Сут ва сут маҳсулотлари | 113 |
| Пишлоқ | 108 |
| Тухум | 104 |
| Қанд-шакар | 110 |
| Кондитер моллари | 100 |
| Чой | 104 |
| Сабзавот | 104 |
| Ип газлама | 107 |
| Жун газлама | 112 |
| Шойи газлама | 91 |
| Зиғир поясидан тўқилган газлама | 100 |
| Устки ва ички кийим | 110 |
| Трикотаж буюмлари | 111 |
| Пайпоқлар | 106 |
| Чарм пойафзал | 107 |
| Мебель | 120 |
| Совун | 112 |
| Тикув машиналари | 110 |
| Рўзғор холодильниклари | 118 |
| Кир ювиш машиналари | 139 |
| Пилесослар | 127 |
| Соатлар | 104 |
| Мотоцикл ва мотороллерлар | 125 |
| Велосипедлар | 116 |
| Радиоприёмниклар | 115 |
| Телевизорлар | 129 |
| Енгил автомобиллар | 121 |

**1959 йилда ва 1960 йилнинг биринчи ярмида халқ истеъмоли товарларидан** баъзиларининг чакана нархи бир йилга айлантириб ҳисоблаганда умуман 11 миллиард сўмлик миқдорда арзонлаштирилди. Шойи газлама, молнинг эритилган ёғи, фотоаппарат, соат, велосипед, галантерея товарлари, дори-дармон ва бошқа товарларнинг чакана нархи арзонлаштирилди.

Товар оборотининг ўсганлигига қарамай, аҳолининг халқ истеъмоли товарларининг баъзи бирларига, жумладан газламаларнинг баъзи турлари, мебель, кир ювиш машиналари, пилесослар, рўзғор холодильникларига бўлган талаби ҳали ҳам тўла қондирилмаётир.

**Совет Иттифоқининг ташқи савдоси муваффақиятли ривожланмоқда.** Биринчи ярим йилда ташқи савдо обороти 20 миллиард сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 процент кўпайди.

**Социалистик маданиятни ривожлантириш соҳасида янги муваффақиятлар қўлга киритилди.**

Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақидаги Қонунга мувофиқ, умумий таълим мактабларини, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш ишлари давом эттирилди.

Умумий таълим мактабларида, ишчилар, қишлоқ ёшлари ва катта ёшдагилар мактабида ўқиётган 33,3 миллион кишидан бир миллион киши шу йилнинг кўкламида ўрта мактабни тамомлаб етуклик аттестати олди. Интернат мактабларнинг тармоқлари кенгаймоқда. 1960 йилнинг бошларида 1348 интернат мактаб бўлиб, буларда 400 мингга яқин бола ўқиди.

Бу йил олий ўқув юртлари 350 мингдан ортиқ ёш мутахассис, техникумлар ва бошқа ўрта махсус ўқув юртлари 480 мингдан кўпроқ мутахассисни тайёрлаб чиқаради.

Илмий муассасаларнинг тармоқлари кенгайди. 1960 йилнинг бошида мамлакатда 3548 илмий муассаса, шу жумладан, 1608 илмий-текшириш институти, уларнинг филиаллари ва бўлимлари бор эди. Мамлакатдаги ҳамма илмий ходимларнинг умумий сони 310 минг кишидан иборат бўлиб, булардан 104,5 минг киши фан докторн ва кандидатидир.

Мамлакат киностудиялари ярим йил ичида 52 янги тўла метражли бадиий, хроникал-ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмлар ишлаб чиқарди. Киноустановкалар сони тахминан 95 мингта бўлиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 мингта ошди. Ярим йилда киносеансларга келган томошабинлар сони 1 миллиард 800 миллион кишини ташкил қилди.

Давлат планида кўзда тутилган маблағлар ҳисобига умумий майдони 17 миллион квадрат метрга яқин уй-жой қурилди ва фойдаланишга топширилди, бу эса ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 21 процент кўпдир. Бундан ташқари, давлат планидан ташқари марказлаштирилмаган маблағ ҳисобига, шунингдек аҳоли томонидан ўз жамғармалари ва давлат кредити ёрдамида кўнгина миқдорда уй-жой қурилди.

Маориф, фан, маданият, санъат ва соғлиқни сақлаш муассасалари қурилишига капитал маблағ сарфлаш ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 20 процентдан зиёдроқ кўпайди. Ўтган йилдагига нисбатан 30 процент кўп умумий таълим мактаби қурилди. Бироқ, мактаблар ҳамда бошқа маданият ва соғлиқни сақлаш муассасалари қуриш плани бажарилмай қолди.

Касалхоналар, туғруқхоналар, доимий болалар боғчалари ва яслилари, санаторийлар ва дам олиш уйларининг шохобчалари кенгайди. Даволаш муассасаларининг энг янги медицина аппаратлари, асбоб-ускуналари ва инструментлари билан қуроллантириш даражаси ошди.

Шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ район марказларини ободонлаштириш, ишлаб турган коммунал корхоналарни — водопровод, канализация, ҳаммом, кирхоналарни кенгайтириш ва янгиларини қуриш юзасидан, трамвай, троллейбус ва автобус қатновини кенгайтириш юзасидан, уй-жой биноларини теплофикация ва газификация қилиш юзасидан ишлар давом эттирилди. 1960 йилнинг биринчи ярмида коммунал қурилишига капитал маблағ сарфлаш ҳажми 20 процент кўпайди.

Меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг муттасил ошиши, соғлиқни сақлаш ва медицина хизматининг яхшиланиши натижасида СССР аҳолисининг касал бўлиши ва ўлиши янада камайди. **СССР аҳолиси 1960 йил 1 июлда, дастлабки маълумотларга қараганда, 214 миллион 400 минг кишини ташкил қилади.**

☆

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1960 йил биринчи ярмидаги бажарилиш якунлари етти йиллик планнинг муваффақиятли бажарилаётганлигидан, экономиканинг янада юксалаётганлигидан, фан ва маданиятнинг ривожланаётганлигидан, совет кишилари фаровонлигининг ошаётганлигидан далолат беради.

**СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.**

---

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

## ҒЎЗАНИ ВАКТИДА ЧЕКАНКА ҚИЛИНГ

**Чеканка: ғўзада меванинг кўпайишига имкон беради * Шона ва гуллар кам тўкилади * Кўсакларни салмоқдор қилади * Ҳосил эрта етилади ва сифати яхшиланади * Биринчи сорт пахтани кўпайтиради**

Июль — пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи ойдир. Бу ойда ғўза ўсиш даврининг энг масъулиятли фазаси — оммавий равишда гуллаш ва мева тугиш даври бошланади. Бу вақтда ғўза кучли овқатни ва меҳр билан парвариш қилишни талаб этади. Ғўза қатор оралари қанчалик яхши ишланса, унда мева шунчалик кўпаяди ва тўла сақланиб қолишига имконият туғилади.

Ғўзани вақтида чеканка қилиш — пахтадан мўл ҳосил етиштиришда асосий шартлардан биридир. Ғўзани юксак агротехника қоидалари асосида чеканка қилиш, бу тадбирни айниқса эрта озиқлантирилган майдонларда ўтказиш — ғўзада мевани кўпайтириш, шона ва гулларнинг кам тўкилишига эришиш, кўсакларни салмоқдор қилиш, ҳосилнинг етилишини тезлаштириш демакдир. Шу билан бирга чеканка ҳосилнинг сифатини яхшилайди, чеканка қилинган ерларда биринчи сорт пахта кўпроқ бўлади.

Ғўзани чеканка қилиш ердаги озуқа моддаларининг илдизларга бир текисда тақсимланишига имкон беради. Учи чилпиб ташланган ғўза озуқа моддаларидан яхши баҳра олади. Натижада ўсимлик организми бақувват бўлиб ўсади ва ҳосилдор бўлади. Ғўза ўсишдан орқада қолаётган бу йилги шароитда чеканканинг фойдаси айниқса катта.

Илғор тажрибалар ва фан ютуқлари шуни кўрсатдики, чигит экиш ва қайта экиш нормал агротехника муддатларида ўтказилган ерлардаги ҳар бир туп ғўзада 14—15 тадан ҳосил шохи пайдо бўлганда, чеканка қилиш фойдалидир. Чигит қайта экилмаган ерлардаги ғўзанинг бундай фазаси республикамизнинг кўпчилик колхоз ва совхозларида июль ойининг иккинчи ўн кунлиги даврида ўтади. Шунинг учун бундай майдонларда ғўзани тахминан 15 июлдан чеканка қила бошлаш ва уни 1 августдан кечиктирмасдан тугаллаш зарур. Агар бундай майдонлардаги ғўзада ҳосил шохлари етарли бўлмаса, уни чеканка қилишнинг ҳожати йўқ.

Чигит қайта экилган, ғўза ривожланишдан орқада қолаётган ерларда уни иккинчи навбатда чеканка қилиш, яъни июлнинг охирларида ва августнинг бошларида чилпиш керак. Бу даврда асосий майдонларда чеканкани такрор ўтказиш лозим. Шуни унутмаслик керакки, етарли ривожланмаганлиги сабабли чилпилмаган майдонлардаги ғўза такрор чеканка қилинади.

«5904-И» типидаги ингичка толали совет сорти экилган ерлардаги ғўзани кейинроқ, яъни 5—10 август ўрталарида чеканка қилиш ва уни 4—6 кун ичида тугаллаш тавсия этилади.

Ғўза чеканкасини юқорида кўрсатиб ўтилган энг яхши муддатларда ўтказиш айниқса яхши натижа беради. Совет сорти экилган ҳамма майдонларда чеканкани 5 августдан кечиктирмасдан тугаллаш керак. Чеканкани бу муддатдан кечиктириб ўтказишнинг фойдаси йўқ.

Баъзи колхоз ва совхозларда чигитни қайта экиш кечиктириб ўтказилганлиги натижасида ғўза ривожланишдан анча орқада қолмоқда. Бундай участкаларда, агар совет сорти экилган бўлиб, 5 августгача ҳар бир туп ғўзада 12—13 тадан ҳосил шохи бўлмаса, уни умуман чеканка қилишнинг зарурати қолмайди.

Бу йил республика колхоз ва совхозлари культиваторга мосланган ва ғўзани чеканка қиладиган «ЧВХ-4» маркали машина оладилар. Бу машиналардан тўла ва унумли фойдаланиш шарт. Ҳар бир машина билан камида 120—150 гектардан ердаги ғўзани чеканка қилиш зарур. Машина билан чеканка қилиш учун энг яхши, тез ривожланаётган майдонлардаги ғўзани ажратиш лозим. Ғўза чеканкасини уни культивация қилиш билан маҳкам боғлаб олиб бориш талаб этилади.

Ғўзани қўлда чеканка қилганда унинг бош пояси учидаги ўсиш шохини чилпиш билан бирга эркак шохини ҳам юлиб ташлаш керак. Бош поя учидаги ўсиш шохини ва эркак шохларини чилпиганда, ҳосилнинг қирқилиб кетишига ва меваларнинг зарарланишига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда ҳосили камайиб кетади. Ғўзани чеканка қилишга эрта киришилаётган бу йилги шароитда чилпишни тўғри ўтказиш айниқса муҳимдир.

Чеканканинг юксак агротехника қоидалари асосида ўтказилишига эришиш учун ҳар бир колхоз ва совхозда тракторчиларни чеканка агротехникаси билан яхши таништириш, қўлда чилпиш учун колхозчиларни ва совхоз ишчиларини етарли миқдорда ажратиш зарур. Шунингдек, колхозчиларни, совхоз ишчиларини, тракторчиларни ўргатиш учун чеканка агротехникасини яхши биладиган тажрибали кишиларни танлаш керак.

Ўтган йиллари баъзи колхоз, совхоз ва бригадаларда ғўза чеканка қилиб бўлингандан кейин унинг қатор ораларини ишлаш тўхтатиб қўйилди. Биз буни мутлақо қоралаймиз. Чеканкадан кейин ғўза қатор ораларини ишлаш тўхтатиб қўйилса, мевалар тўкилиб кетади, натижада ҳосил камаяди. **Чеканка — ғўза парваришининг якунловчи даври эмас, балки агротехника комплексининг бир қисмидир. Шунинг учун ҳам чеканкани бошқа агротехника тадбирларининг ўрнини босади, деб тушуниш ярамайди.** Масалан, чеканка ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлашнинг, ниҳол туплари яқинидаги бегона ўтларни ўташнинг, суғоришнинг ўрнини ҳеч қачон босолмайди. Зараркунандаларга қарши курашни бир минут ҳам бўшаштирмаслик керак.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари ғўзани чеканка қилиш даври учун график тузиб чиқишлари, ҳар бир далада ғўзанинг аҳволини ҳисобга олганлари ҳолда чеканкани қачон бошлаш ва қачон тамомлаш зарурлигини, суғориш, ундан кейин ғўза қатор ораларини ишлаш ва бошқа агротехника тадбирларини графикда кўрсатишлари шарт.

Ерда нам қанча етарли бўлса, чеканканинг афзаллиги шунчалик ошади. Шунинг учун ҳам чеканка қилишдан олдин ерда намнинг етарли бўлишига эришиш, нам кам бўлса, чеканкадан олдин бундай майдонлардаги ғўзани албатта суғориш керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, бир қатор колхоз ва совхозларда ғўзани суғоришга етарли эътибор берилмаяпти. Ана шундай майдонларда ғўза сўлиб қолади. Бу эса ҳосилга катта зарар етказади. Суғоришни ўз вақтида ўтказиш учун бу ишга раҳбарликни кескин равишда яхшилаш зарур. Сувчилар сонини кўпайтириш, сувдан тўла фойдаланиш, суғоришнинг кеча-кундуз сифатли ўтказилишини таъминлаш зарур.

Ғўзани ўз вақтида чеканка қилишни бошқа агротехника ва ташкилий тадбирлар билан маҳкам боғлаб олиб бориш зарур. Бу эса ғўзанинг тез ривожланишини таъминлайди, она-Ватанга уч миллион бир юз етмиш минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятимизнинг шараф билан бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш имкониятини беради.

**БИР ГРУППА МУТАХАССИСЛАР.**

---

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА „ҚАҲРАМОН ОНА“ ДЕГАН ФАХРИЙ УНВОН БЕРИШ ТЎҒРИСИДА*)

36. **Ниёзова** Хадичага — Косон районидаги Косон посёлкасидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

37. **Ражабова** Турдига — Шеробод районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

38. **Расулева** Фотимага — Денов районидаги Андижон қишлоғидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

39. **Ризвонова** Норга — Бешкент районидаги Бешкент қишлоғидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

40 **Рўзиева** Маъқулга — Яккабоғ районидаги Охунбобоев номли колхознинг аъзоси.

41. **Сафарова** Хайитга — Шўрчи районидаги К. Маркс номли колхознинг аъзоси.

42. **Халилова** Нарзига — Чироқчи районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси.

43. **Хўжаматова** Ойимжонга — Косон районидаги «Косон» совхозининг ишчиси.

44. **Хушманова** Навотга — Ғузор районидаги Ғузор қишлоғидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

45. **Шоймова** Иқболга — Жарқўрғон районидаги Сурхон посёлкасидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

46. **Шомураева** Улданга — Жарқўрғон районидаги Сурхон посёлкасидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

47. **Шерназарова** Турсунга — Ангор районидаги Толлимарон посёлкасидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

48. **Шерова** Хадичага — Шаҳрисабз районидаги Куйбишев номли колхознинг аъзоси.

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН**

49. **Абдуллаева** Ойимсорага — Тошкент шаҳридан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

50. **Одилова** Хосиятга — Орджоникидзе районидаги Киров номли колхознинг аъзоси.

51. **Акимбоева** Санталатга — Орджоникидзе районидаги Чинобод қишлоғидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

52. **Оқмирзаева** Холияга — Гулистон районидаги Красноармейское қишлоғидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

53. **Алиева** Роҳатга — Олмалиқ шаҳридан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

54. **Олимова** Кимёга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

55. **Аллаева** Маҳкамга— Гулистон районидаги Крестьянское қишлоғидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

56. **Аметчаева** Ремзияга — Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси.

57. **Анварова** Умиржонга — Орджоникидзе районидаги Дўрман қишлоғидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

58. **Отабоева** Ойшахонга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

59. **Ғуломова** Наимага — Орджоникидзе районидаги «Партия XVIII съезди» колхозининг аъзоси.

60. **Дадабоева** Ҳикоятга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

61. **Жабборова** Камолга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

62. **Жалилова** Каримага — Орджоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси.

63. **Жалилова** Попикка — Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг аъзоси.

64. **Каримова** Хукайга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

65. **Ким** Татьянага — Юқори Чирчиқ районидаги Янгибозор қишлоғидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

66. **Қўчқарова** Ойнисога — Орджоникидзе районидаги Михайловское қишлоғидан, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи.

(ДАВОМИ БОР).

*) Боши газетанинг 30 июнь ва 1 июль сонларида.

